**ҚҚСдан озод қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари (ВМ қарори 31.12.2018 й. 1065-сонли)**




Рўйхатда кўрсатилган товарларга берилган имтиёз солиқ тўловчилар томонидан фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана ва улгуржи реализацияси амалга оширилганда қўлланилади.

Нон маҳсулотлари бўйича солиқ имтиёзлари ишлаб чиқарувчиларга ҳам татбиқ этилади.

**ҚҚС бўйича ҳисоботларни тақдим этиш ва тўлаш ҳар ойнинг 25-санасида амалга оширилиши белгиланган.**

Аҳолига нақд пулга ёки пластик карточкаларни қўллаган ҳолда товарлар сотилганда назорат касса машинаси ва тўлов терминаллари чекларида қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилиши керак.

**МИСОЛ: ишлаб чиқариш корхонасида ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш**

Мисол учун, ҚҚСни умумбелгиланган тартибда ҳисобловчи ғишт ишлаб чиқариш корхонаси томонидан 1000 дона ғишт ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ва ғиштнинг таннархига киритиладиган электр энергияси, табиий газ ва бошқа хом-ашёларнинг қиймати 250,0 минг сўмни ҳамда уларни сотиб олишда тўланган ҚҚС суммаси 50,0 минг сўмни ташкил қилган.

Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот, яъни 1000 дона ғишт 400,0 минг сўмга реализация қилинганда 20 фоиз миқдорида 80,0 минг сўм ҚҚС ҳисобланади ва 1000 дона ғиштнинг етказиб бериш қиймати 480,0 минг сўмни ташкил қилади.

Бюджетга тўланадиган реализация қилинган тайёр маҳсулот бўйича ҳисобланган ҚҚС суммасидан хом-ашё ва материалларни сотиб олишда тўланган ҚҚС суммаси чегирилган ҳолда аниқланади ва бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси 30,0 минг сўмни (80,0-50,0) ташкил қилади.

Яъни, бу маҳсулот реализацияси қийматининг кўпчилик ўйлаганидек 20 фоизини эмас, балки 7,5 фоизини ташкил қилади.

**Ишлаб чиқариш корхонаси соддалаштирилган ҚҚС қўллаганда бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини кўриб чиқамиз**

| Кўрсаткич | Соддалаштирилган тартиб | Умумбелгиланган тартиб |
|---|---|---|
| 1000 дона ғишт ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ҳамда ғиштнинг таннархига киритиладиган электр энергияси, табиий газ ва бошқа хом-ашёларнинг қиймати | 300 000 | 300 000 |
| ҚҚС суммаси (ҳисобга олинадиган) | 0 | 50 000 |
| Бошқа харажатлар (ҚҚСсиз сотиб олинган) | 10 000 | 10 000 |
| Иш ҳақи ва бошқа харажатлар | 50 000 | 50 000 |
| Ғишт таннархи | 360 000 | 310 000 |
| Корхона фойдаси | 90 000 | 90 000 |
| 1000 дона ғиштнинг реализация қилиш қиймати | 450 000 | 400 000 |
| ҚҚС ставкаси | 7% | 20% |
| ҚҚС суммаси | 31 500 | 80 000 |
| Ғиштнинг ҚҚС билан етказиб бериш қиймати | 481 500 | 480 000 |
| Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси | 31 500 | 30 000 |
| ҚҚСнинг эффектив ставкаси | 7% | 7,5% |

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики ҳар иккала ҳолатда корхонанинг фойдаси бир хил бўлганда соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи корхонанинг маҳсулоти 1 500сўмга қиммат бўлмоқда. Нархнинг қиммат-лашиши ўз навбатида маҳсулотнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ




# Қўшилган қиймат солиғи



## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ мисолида

*Тошкент – 2019*

## ҚҚСдан озод қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари (ВМ қарори 31.12.2018 й. 1065-сонли)




Рўйхатда кўрсатилган товарларга берилган имтиёз солиқ тўловчилар томонидан фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана ва улгуржи реализацияси амалга оширилганда қўлланилади.

Нон маҳсулотлари бўйича солиқ имтиёзлари ишлаб чиқарувчиларга ҳам татбиқ этилади.

**ҚҚС бўйича ҳисоботларни тақдим этиш ва тўлаш ҳар ойнинг 25-санасида амалга оширилиши белгиланган.**

Аҳолига нақд пулга ёки пластик карточкаларни қўллаган ҳолда товарлар сотилганда назорат касса машинаси ва тўлов терминаллари чекларида қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилиши керак.

### МИСОЛ: маркетинг бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатувчи корхонада ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш

Айтайлик ҚҚСни соддалаштирилган тартибда тўловчи маркетинг бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатувчи корхона ўз мижозининг буюртмасига асосан бозорни ўрганиш ва хулоса тайёрлаш учун ходимларга иш ҳақи харажатлари 2000,0 минг сўм, хизмат сафари харажатлари 600,0 минг сўм, электр энергияси бўйича харажатлар 240,0 минг сўм (шундан ҚҚС 40,0 минг сўм) ташкил қилган.

Маслаҳат хизматларининг таннархи 2840,0 минг сўмни ташкил қилган. соддалаштирилган ҚҚСда ҳисобга олиш механизми мавжуд бўлмаганлиги сабабли электр энергияси қийматига киритилган 40,0 минг сўм ҚҚС кўрсатилган хизматнинг таннархига олиб борилди.

Корхона томонидан кўрсатилган маслаҳат хизмати бўйича буюртмачига тўлов учун 5175,0 минг сўм ҳисобварақ-фактура тақдим этди, яъни кўрсатилган маслаҳат хизматининг умумий қиймати 5175,0 минг сўмни (шундан ҚҚС 675,0 минг сўм) ташкил қилган.

Ҳисобварақ-фактурада қуйидагича акс эттирилади:

| № | Товар (иш, хизмат) лар номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Етказиб бериш қиймати | ҚҚС | | Етказиб беришнинг ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ставкаси | суммаси | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 8 | 9 | 10 |
| 1 | Маслаҳат хизмати | | 1 | 4 500 000 | 4 500 000 | 15% | 675 000 | 5 175 000 |
| | Жами тўлашга: | | | | 4 500 000 | | 675 000 | 5 175 000 |

Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи 675,0 минг сўмни ташкил қилади.

**Маркетинг бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатувчи корхона умумбелгиланган ҚҚСни қўллаганда бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини кўриб чиқамиз**

| Кўрсаткич | Соддалаштирилган тартиб | Умумбелгиланган тартиб |
|---|---|---|
| Иш ҳақи харажатлари | 2 000 000 | 2 000 000 |
| Хизмат сафари харажатлари | 600 000 | 600 000 |
| Электр энергияси харажатлари | 240 000 | 240 000 |
| ҚҚС суммаси (ҳисобга олинадиган) | 0 | 40 000 |
| Кўрсатилган хизмат бўйича корхона фойдаси | 1 660 000 | 1 660 000 |
| Кўрсатилган маслаҳат хизматининг қиймати | 4 500 000 | 4 460 000 |
| ҚҚС ставкаси | 15% | 20% |
| ҚҚС суммаси | 675 000 | 892 000 |
| Кўрсатилган маслаҳат хизматининг ҚҚС билан қиймати | 5 175 000 | 5 352 000 |
| Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси | 675 000 | 852 000 |
| ҚҚСнинг эффектив ставкаси | 15% | 19,1% |

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики ҳар иккала ҳолатда корхонанинг фойдаси бир хил бўлганда соддалаштирилган ҚҚСни тўловчи корхонанинг маҳсулоти 177 000 сўмга арзон бўлмоқда. Нархнинг арзонлашиши буюртмалар сони ҳамда корхона фойдаси ўсишига шароит яратади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

# Қўшилган қиймат солиғи



## Маркетинг бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатувчи корхона мисолида

*Тошкент – 2019*

## ҚҚСдан озод қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари (ВМ қарори 31.12.2018 й. 1065-сонли)




Рўйхатда кўрсатилган товарларга берилган имтиёз солиқ тўловчилар томонидан фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана ва улгуржи реализацияси амалга оширилганда қўлланилади.

Нон маҳсулотлари бўйича солиқ имтиёзлари ишлаб чиқарувчиларга ҳам татбиқ этилади.

**ҚҚС бўйича ҳисоботларни тақдим этиш ва тўлаш ҳар ойнинг 25-санасида амалга оширилиши белгиланган.**

Аҳолига нақд пулга ёки пластик карточкаларни қўллаган ҳолда товарлар сотилганда назорат касса машинаси ва тўлов терминаллари чекларида қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилиши керак.

**МИСОЛ: қурилиш корхонасида ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш**

Агар Сиз ҚҚСни умумбелгиланган тартибда тўловчиси бўлсангиз, қўшилган қиймат солиғини 20 фоизлик ставкадан келиб чиқиб аниқлайсиз.

Мисол учун, Сиз умумий қиймати 120 млн.сўм (шундан ҚҚС 20 млн.сўм) бўлган цемент маҳсулотини харид қилдингиз.

Бундан ташқари, электр энергияси учун жами 36 млн.сўм (шундан ҚҚС 6 млн.сўм) миқдорида харажат қилдингиз.

Бажарилган қурилиш ишлари учун Сиз томонингиздан қўйилган устама 40 млн.сўмни ташкил қилади.

Бажарилган қурилиш ишларининг таннархи 130 млн.сўмни, устамани ҳисобга олган ҳолдаги қиймати эса 170 млн.сўмни ташкил қилади.

Сиз бажарган қурилиш ишларининг ҚҚС билан бирgaликдаги баҳоси 204,0 млн.сўмни ташкил қилади (170+(170*20%)).

Бироқ, бу ҳаммаси эмас. Ҳисобга олиш механизмидан фойдаланамиз.

Бажарилган қурилиш ишлари учун ҳисобланган ҚҚС суммасидан харид қилинган товар (иш, хизмат)лар учун тўланган жами 26,0 млн.сўм ҚҚС суммасини айирасиз, яъни Сиз бюджетга 34,0 млн.сўм эмас, балки 8 млн.сўм (34,0 млн.сўм – 26,0 млн.сўм) тўлашингиз лозим бўлади.

Айтишимиз мумкинки, тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси Сиз учун 20 фоизни эмас, атиги 4,7 фоизни ташкил қилмоқда, яъни ягона солиқ тўловининг ставкасидан ҳам камроқ.

**Қурилиш корхонаси соддалаштирилган ҚҚС қўллаганда бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини кўриб чиқамиз**

| Кўрсаткич | Содда-лаштирил-ган тартиб | Умумбел-гиланган тартиб |
|---|---|---|
| Сотиб олинган цемент | 120 000 000 | 120 000 000 |
| ҚҚС суммаси (ҳисобга олинадиган) | 0 | 20 000 000 |
| Электр энергияси харажатлари | 36 000 000 | 30 000 000 |
| ҚҚС суммаси (ҳисобга олинадиган) | 0 | 6 000 000 |
| Цемент таннархи | 156 000 000 | 130 000 000 |
| Корхона устамаси | 40 000 000 | 40 000 000 |
| Бажарилган ишларнинг қиймати | 196 000 000 | 170 000 000 |
| ҚҚС ставкаси | 8% | 20% |
| ҚҚС суммаси | 15 680 000 | 34 000 000 |
| Цементнинг ҚҚС билан етказиб бериш қиймати | 211 680 000 | 204 000 000 |
| Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси | 15 680 000 | 8 000 000 |
| ҚҚСнинг эффектив ставкаси | 8% | 4,7% |

Бажарилган қурилиш ишларининг умумий қиймати 196,0 млн.сўмни, яъни умумбелгиланган тартибдагидан 26,0 млн.сўмга кўпроқни ташкил қилмоқда.

ҚҚСнинг суммаси 15,6 млн.сўмни, ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда эса бажарилган қурилиш ишларининг умумий қиймати 211,6 млн.сўмни ташкил қилади, яъни 7,6 млн.сўмга қимматлашади.

Бундан ташқари, соддалаштирилган ҚҚСни Сиз бюджетга 7,6 млн.сўм кўпроқ ҚҚС тўлашингиз лозим бўлади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ




# Қўшилган қиймат солиғи



## ҚУРИЛИШ КОРХОНАСИ

**мисолида**

***Тошкент – 2019***

### ҚҚСдан озод қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари (ВМ қарори 31.12.2018 й. 1065-сонли)




Рўйхатда кўрсатилган товарларга берилган имтиёз солиқ тўловчилар томонидан фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана ва улгуржи реализацияси амалга оширилганда қўлланилади.

Нон маҳсулотлари бўйича солиқ имтиёзлари ишлаб чиқарувчиларга ҳам татбиқ этилади.

**ҚҚС бўйича ҳисоботларни тақдим этиш ва тўлаш ҳар ойнинг 25-санасида амалга оширилиши белгиланган.**

Аҳолига нақд пулга ёки пластик карточкаларни қўллаган ҳолда товарлар сотилганда назорат касса машинаси ва тўлов терминаллари чекларида қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилиши керак.

**МИСОЛ: савдо корхонасида ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш**

Айтайлик ҚҚСни умумбелгиланган тартибда тўловчи (обороти 3 млрд.сум) улгуржи савдо корхонаси стол ва стулларни сотиб олган:

– 50 дона столни, донасини 100,0 минг сўмдан, жами 6 000,0 минг сўмга (шундан ҚҚС 1 000,0 минг сўм),

- 80 дона стулни, донасини 20,0 минг сўмдан, жами 1920,0 минг.сўмга (шундан ҚҚС 320,0 минг сўм).

Ҳисобварақ-фактурада қуйидагича акс эттирилади:

| № | Товар (иш, хизмат)лар номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Етказиб бериш қиймати | ҚҚС | | Етказиб беришнинг ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ставкаси | суммаси | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 8 | 9 | 10 |
| 1 | Стол | дона | 50 | 100 000 | 5 000 000 | 20% | 1 000 000 | 6 000 000 |
| 2 | Стул | дона | 80 | 20 000 | 1 600 000 | 20% | 320 000 | 1 920 000 |
| | Жами тўлашга: | | | | 6 600 000 | | 1 320 000 | 7 920 000 |

Ушбу олинган столлар ва стуллар корхона устамасини ва харажатларни қўшган ҳолда столлар донаси 130,0 минг сўмдан ва стуллар донаси 27,0 минг сўмдан, жами 8 660 минг сўмга ва устига 20 фоизли ҚҚС 1 732,0 минг сўм қўшилиб 10392.0 минг сўмга сотилди.

Ҳисобварақ-фактурада қуйидагича акс эттирилади.

| № | Товар (иш, хизмат)лар номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Етказиб бериш қиймати | ҚҚС | | Етказиб беришнинг ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ставкаси | суммаси | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 8 | 9 | 10 |
| 1 | Стол | дона | 50 | 130 000 | 6 500 000 | 20% | 1 300 000 | 7 800 000 |
| 2 | Стул | дона | 80 | 20 000 | 2 160 000 | 20% | 432 000 | 2 592 000 |
| | Жами тўлашга: | | | | 8 660 000 | | 1 732 000 | 10 392 000 |

**Бюджетга тўланадиган ҚҚС 412,0 минг сўмни ташкил қилади (1 732,0 - 1 320,0).**

**Савдо корхонаси соддалаштирилган ҚҚС қўллаганда бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини кўриб чиқамиз**

| Кўрсаткич | Соддалаштирилган тартиб | Умумбелгиланган тартиб |
|---|---|---|
| Стол ва стуллар сотиб олинди | 7 920 000 | 7 920 000 |
| ҚҚС суммаси (ҳисобга олинадиган) | 0 | 1 320 000 |
| Стол ва стуллар таннархи | 7 920 000 | 6 600 000 |
| Бошқа харажатлар | 660 000 | 660 000 |
| Савдо устамаси | 1 400 000 | 1 400 000 |
| Стол ва стулнинг реализация қилиш қиймати | 9 980 000 | 8 660 000 |
| ҚҚС ставкаси | 6% | 20% |
| ҚҚС суммаси | 598 800 | 1 732 000 |
| Стол ва стулнинг ҚҚС билан етказиб бериш қиймати | 10 578 800 | 10 392 000 |
| Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси | 598 800 | 412 000 |
| ҚҚСнинг эффектив ставкаси | 6% | 4,8% |

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики ҳар иккала ҳолатда корхонанинг савдо устамаси бир хил бўлганда соддалаштирилган тартибда ҚҚС тўловчи корхонанинг маҳсулоти 1 320,0 минг сўмга қиммат бўлмоқда.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ




# Қўшилган қиймат солиғи




# САВДО КОРХОНАСИ мисолида

***Тошкент – 2019***

## Аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш маълум бир соҳаларни қўллаб қувватлаш мақсадида айрим турдаги товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш оборотлари ва импорти ҚҚСдан озод қилинган

## Солиқ кодексининг 208-моддасига асосан бир қатор товарлар, ишлар, хизматлар ҚҚСдан озод этилган

- Мактабгача таълим муассасаларида
- Протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун мўлжалланган инвентарлар
- Шаҳар ичи, шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш шунингдек темир йўл ва умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари)
- Тиббий хизматлар (косметология хизматлари бундан мустасно) ва ветеринария хизматлари
- Дори воситалари, ветеринария воситалари
- Санаторий-курорт, туристик-экскурсия хизматлари, шунингдек спорт муассасаларининг хизматлари
- Уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан, яъни лифт хўжаликлари, умумий фойдаланишдаги антенналарни ўрнатиш, ер ресурслари ва давлат кадастри
- Ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти
- Оммавий ахборот воситаларини ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари

## Солиқ кодексининг 209-моддасига асосан бир қатор молиявий хизматлар ҚҚСдан озод қилинган

- Қимматли қоғозлар
- Қимматли қоғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги улушларни (пайларни) реализация қилиш
- Молиявий ижара (лизинг)
- Ломбард

## Солиқ кодексининг 210-моддасига асосан суғурта хизматлари қўшилган қиймат

- Суғурта қилувчилар
- Суғурта қилдирувчилар

## Солиқ кодексининг 211-моддасига асосан бир каттор товарлар импорти қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарз (кредитлар) маблағлари
- Дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар*
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кирилаётган технологик асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар**
- Қонун бўйича белгиланадиган рўйхат юридик шахслар томонидан олиб кирилаётган ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч

## Солиқ кодексининг 211-моддасида белгиланган солиқ имтиёзлари фақатгина товарлар импорт қилинганида, товарларни эркин муомалага чиқариш божхона режимига расмийлаштиш жараёнида қўлланилади

*ҚҚС бўйича солиқ имтиёзлари қўлланилган ҳолда олиб кирилган товарлар кейинчалик ички бозорда сотилганда қонун ҳужжатларига асосан ушбу товарларни реализацияси учун солиқ имтиёзлари белгиланмаган бўлса қўшилган қиймат солиғи ҳисобланиши шарт*



**Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган дори воситалари импорт қилинганда ушбу имтиёзлар қўлланилмайди*

***Шуни эътиборга олиш лозимки импорт қилинган технологик асбоб-ускуналар олиб кирилган пайтдан эътиборан уч йил мобайнида экспортга реализация қилинган ёки текин берилган тақдирда, уларни олиб киришда қўлланилган имтиёз бекор қилинади*

### ҚҚСдан озод қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари (ВМ қарори 31.12.2018 й. 1065-сонли)

Гўшт · Балиқ · Картошка · Пиёз

**Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари**

Тухум · Гуруч · Шакар · Нон

Рўйхатда кўрсатилган товарларга берилган имтиёз солиқ тўловчилар томонидан фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана ва улгуржи реализацияси амалга оширилганда қўлланилади.

Нон маҳсулотлари бўйича солиқ имтиёзлари ишлаб чиқарувчиларга ҳам татбиқ этилади.

**ҚҚС бўйича ҳисоботларни тақдим этиш ва тўлаш ҳар ойнинг 25-санасида амалга оширилиши белгиланган.**

Аҳолига нақд пулга ёки пластик карточкаларни қўллаган ҳолда товарлар сотилганда назорат касса машинаси ва тўлов терминаллари чекларида қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилиши керак.

### МИСОЛ: умумий овқатланиш корхонасида ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш

Умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи корхона мисолида ҚҚСни соддалаштирилган тартибда ҳисоблаб кўрамиз.

Корхона палов тайёрлаш учун 20,0 минг сўмга 0,5 кг гўшт, 10,0 минг сўмга 1 кг гуруч ва бошқа зарурий маҳсулотларни 5,0 минг сўмга сотиб олди. Ушбу маҳсулотларнинг барчаси қўшилган қиймат солиғисиз сотиб олинди.

Паловни тайёрлашга сарфланган коммунал хизматлари учун 6,0 минг сўм, шундан ҚҚС 1,0 минг сўм.

Тайёрланган палов 5 та мижозга 1 порциядан, порцияси 16,0 минг сўмдан жами 80,0 минг сўмга (5*16,0) сотилди.

Харидорга сотишда 16,0 минг сўмдан 10 фоиз миқдорида 1,6 минг сўм (16,0*10%), жами 8,0 минг сўм (1,6*5) ҚҚС ҳисобланиб, 17,6 минг сўмдан (16,0+1,6) жами 88,0 минг сўм (17,6*5) тўлов қабул қилинади.

Ҳисобга олиш механизми қўлланилмаганлиги сабабли бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси 8,0 минг.сўмни ташкил қилади.

**Агар ушбу умумий овқатланиш корхонаси қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартиби қўлланилганда бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасини кўриб чиқамиз**

| Кўрсаткич | Соддалаштирилган тартиб | Умумбелгиланган тартиб |
|---|---|---|
| 0,5 кг гўшт (ҚҚСсиз) | 20 000 | 20 000 |
| 1 кг гуруч (ҚҚСсиз) | 10 000 | 10 000 |
| Бошқа зарурий маҳсулотлар (ҚҚСсиз) | 5 000 | 5 000 |
| Паловни тайёрлаш учун сарфланган коммунал хизматлар | 6 000 | 6 000 |
| ҚҚС суммаси (ҳисобга олинадиган) | 0 | 1 000 |
| 5 порция палов тайёрланди таннархи | 41 000 | 40 000 |
| Савдо устамаси | 39 000 | 39 000 |
| 5 порция паловнинг реализация қилиш қиймати | 80 000 | 79 000 |
| ҚҚС ставкаси | 10% | 20% |
| ҚҚС суммаси | 8 000 | 15 800 |
| 5 порция паловнинг ҚҚС билан етказиб бериш | 88 000 | 94 800 |
| Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси | 8 000 | 14 800 |
| ҚҚСнинг эффектив ставкаси | 10% | 18,7% |

Ушбу ҳолатда бюджетга тўланадиган ҚҚС 14 800 сўмни (15 800-1 000) ташкил қилади ва соддалаштирилган тартибга нисбатан 6 800 сўм кўп солиқ тўланади ҳамда 1 порция паловнинг нархи 1 360 сўмга қимматлашади.


ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ


# Қўшилган қиймат солиғи



# УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАСИ мисолида

*Тошкент – 2019*

**ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган тартибини қўллаётган корхоналар қуйидаги оборотлар бўйича ноль даражали ставкани қўллаган ҳолда қўшилган қиймат солиғи ҳисоблайдилар**

Товарларни экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металлар бундан мустасно);
**СК-212-моддаси**

Чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарларга;
**СК-214-моддаси**

"Божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга);
**СК-215-моддаси**

Халқаро ташишлар бўйича кўрсатиладиган хизматлар (Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб юкларни ташиш, йўловчилар, багажлар ва юкларни ташиш
**СК-216-моддаси**

Сув таъминоти, канализация, санитария тозалаш, иссиқлик таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматларга.
**СК-217-моддаси**

**Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган корхоналар учун юқоридаги оборотлар солиқ солинмайдиган оборотлар сифатида қаралади ва қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмайди.**



**Солиқ қонунчилигини нормаларини амалиётга татбиқ қилиш бўйича саволлар бўйича Call-center га қўнғироқ қилишиингз мумкин**

**71 202 3282**

**ёки**

**1198**

**қисқа рақамини теринг**

www.soliq.uz www my.soliq.uz

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси**

# ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИДАН ОЗОД ҚИЛИНГАН ТОВАРЛАР, ИШЛАР ВА ХИЗМАТЛАР ТУРЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?



## ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БУ НИМА?

Қўшилган қиймат солиғи – бу товарлар нархига устама кўринишида қўшиб ундириладиган солиқ.

| Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари | |
|---|---|
| | Умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчилар, яъни ялпи тушуми бир миллиард сўмдан ошган юридик шахслар |
| | Ягона солиқ тўловини тўловчи юридик шахслар (ихтиёрий асосда) |

Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган ва соддалаштирилган тартиби мавжуд.

### ҚҚС УМУМБЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБ

### Қўшилган қиймат солиғи нималардан тўланади?

Товарни сотаётганингизда ёки хизмат кўрсатаётганингизда, иш бажараётганингизда қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб тўлашингиз керак бўлади.

Қўшилган қиймат солиғи сотаётган товарингизнинг қийматига киритилган бўлиши керак, яъни харидордан ундириб олишингиз лозим.

Агар сотилаётган товарлар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган бўлса қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмайди ва товар нархига киритилмайди.

### Ҳисобга олинадиган ҚҚС

Товарлар қўшилган қиймат солиғи билан сотиб олинганда ушбу қўшилган қиймат солиғи суммасини сотиб олувчи ҳисобга олиши мумкин.

Яъни кейинчалик ушбу товарлар ҚҚС билан сотилса аввал сотиб берувчига тўланган ҚҚС суммаси ҳисобланган суммасидан камайтиради ва фарқи бюджетга тўланади.

### ҚҚСни ҳисобга олиш учун қуйидаги талаблар бажарилиши зарур:

- Сотиб олинган товарлар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинмаган оборотлар учун ишлатилиши шарт;
- Мол етказиб берувчи томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактурада ҚҚС алоҳида ажратиб кўрсатилган бўлиши лозим;
- Товарлар импорт қилинганда ҚҚС бюджетга тўланган бўлиши керак.

### ҚҚС СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБ

Ялпи тушуми **3 миллиард сўмдан** ошмаган юридик шахслар ҚҚСни соддалаштирилган тартибига ўтиш мумкин.

Бунинг учун **ёзма хабарномани** тақдим этишлари керак:

- **ялпи тушуми 2018 йил якунлари бўйича 1 миллиард сўмдан ошганда – 2019 йил 1 февралга қадар;**
- **ялпи тушуми йил давомида 1 миллиард сўмга етганда кейинги ойининг 15-санасидан кечиктирмасдан.**



**Муҳим!**
**ҚҚСнинг соддалаштирилган тартибида ҳисобга олиш механизми қўлланилмайди.**

### Соддалаштирилган ҚҚСнинг ставкалари

| № | Тўловчилар | Ставка |
|---|---|---|
| 1 | Иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги юридик шахслар учун (2–6 - бандларда келтирилганлар бундан мустасно) | 7% |
| 2 | Қурилиш корхоналари | 8% |
| 3 | Чакана, улгуржи, шунингдек улгуржи-чакана савдо билан шуғулланувчи савдо корхоналари | 6% |
| 4 | Умумий овқатланиш, меҳмонхона хўжалиги корхоналари | 10% |
| 5 | Профессионал хизматларни кўрсатувчи юридик шахслар (аудиторлик хизматлари, солиқ маслаҳати хизматлари, консалтинг, брокерлик ва бошқа хизматларни кўрсатувчи юридик шахслар) | 15% |
| 6 | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилувчи юридик шахслар, ўзи ишлаб чиқарган ҳоллар бундан мустасно | 4% |



**ҚҚСни соддалаштирилган тартиби татбиқ этилмайди**

*Акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи юридик шахсларга*